(?–1035)
(1025-1034)

Мовароуннахр иликхони. Корахонийлардан. Мовароуннахрни самонийлардан тортиб олишда иштирок этган (999-1012). Наср ибн Али вафоти (1013)дан сўнг тахт учун кураш чогида арслонхонлардан Мухаммад ибн Али томонидан асир олинган. Тахминан 1025-йилда асирликдан кочиб Бухорони эгаллаган ва салжукийлардан Арслон ибн Салжук билан иттифок тузган. Алитегинга карши иликхон Мансур ибн Али кўшин тортиб келган, бирок маглубиятга учраган. Шундан сўнг Алитегин Мавороуннахрни марказий кисми (Самарканд, Бухоро, Кашкадарё водийси) иликхони бўлган. Алитегинга карши Махмуд Газнавий ва корахонийларнинг Шаркий Туркистондаги хокони Кодирхон Юсуф харбий иттифок тузиб (1025) Самарканд якинида Алитегин кўшини билан тўкнашган. Алитегин Самарканд ва Бухорони ташлаб чўлга чекинган, хотини ва кизи ракиблари кўлига асир тушган. Бирок Махмуд Газнавийнинг асли максади Алитегинни заифлаштириш бўлгани сабабдан бироз вактдан сўнг Мовароуннахрни ташлаб чиккан. Алитегин яна ўз мулкини кайтариб олган.
1032-йил хоразмшох Олтунтош султон Масъуд Газнавийнинг топширигига кўра, Алитегин ерларига хужум килиб Бухорони эгаллаган, бирок Дабусия якинидаги жангда яродор бўлиб, вафот этган. Хоразм кўшини сулх тузиб юртига кайтиб кетган.